# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

21 сон • 22 — 28 май 2002 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси


# МЕҲНАТИДАН ҚАДРУ БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

*Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётининг асоси эканлигини Президентимиз ҳамиша таъкидлаб келадилар. "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", дейди халқимиз. Дарҳақиқат, меҳнату изланиш-интилишлари билан нафақат ўз турмушига кўрку барака киритаётган, балки юртдошларимиз ҳаётига ҳам мазмун бағишлаётган одамлар эл-юртимизда қадрлидир. Қуйидаги лавҳалар ана шундай тадбиркорлар ҳақида.*

## ФИДОЙИЙ АЁЛЛАРДАН БИРИ



Фидойий меҳнати билан, элсеварлиги билан Ғиждувонда ҳурмат-иззат топганлардан бири — Саломат Ғаниева оддий деҳқонликдан хўжалик ва туман раҳбарлигигача бўлган умр йўлини босиб ўтди. Беш фарзандни ўстириб камолга етказди. 65 ёшли опа айни кунда ҳам тиним билмайди. Бухоро шароитида ўсиши қийин бўлган 40 гектарлик хурмозор боғни яшнатиб қўйибди.

- Аввало мустақиллик бизни яшашга, ишлашга ўргатди,-дейди опа. - Афсус қилганим шундаки, хўжалик ва туман миқёсида раҳбар бўлган пайтларимда аёлларга иш ўринлари яратмабман. Шунинг учун деҳқон-фермер хўжалигимизга кўпроқ ишсиз аёлларни жалб этдим. Хўжалигимизда 40 га яқин аёл меҳнат қилади. Аёлларнинг болалари учун боғчага бериладиган бадал пулини боғ ҳисобидан тўлаймиз. Йиллик соф фойда 12-13 миллион сўмни ташкил қилади. Албатта, бу оз. Савоб ишлар учун, аёлларга шароит яратиш учун яна даромад албатта 2-3 баробарга ошиши керак.

Раисалик давримда колхознинг бош режа асосида қурилишига, газлаштиришга эришдик.

**- Энг бахтли кунларингизни эслайсизми?**

- Албатта, туманда, хўжаликда пахта режаси тўлган кунлар... Ундан сўнг болаларимнинг туғилган кунлари ҳам... Турмуш ўртоғим, яқинларим кўмаги, далдасини мен бир умр ҳис этиб келаяпман. Аёл — она учун бу ҳам бир бахт,- дейди опа.

Ҳам оиласини, ҳам эл-юрт фаровонлигини ўйлаб умр кечириб келаётган Саломат опага ҳавас қилмай бўлмайди. Меҳнат қувончлари унга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолишини тилаймиз.

**Раъно СОҲИБОВА**

**М. МИРСОДИҚОВ тушириган суратда Саломат Ғаниева ўғли Анваржон билан.**

## "БЕНЗОКОЛОНКА МАЛИКАСИ"



"Зар" хусусий фирмаси раҳбари Муҳаббатхон Аҳмедовани наманганликлар "бензоколонка маликаси" деб атайдилар. Унинг Тўрақўрғон туманидаги "Шоҳидон" қишлоғида ташкил этган автомобилларни ёқилғи билан таъминловчи ва техник хизмат кўрсатувчи корхонаси узоқ-яқинга қатновчи ҳайдовчиларнинг оғирини енгил қилиб, обрў-эътибор қозонди.

- Ҳукуматимиз тадбиркорликни моддий-маънавий қўллаб-қувватловчи имкониятлар эшигини катта очиб бизга: "Турмушингни чиройли қилишни истасанг, марҳамат, ўз хусусий ишингни ривожлантир",- деб қўйибди. Иш бошлаш учун банкдан 15 миллион сўм кредит олдик. Ширкат хўжалигидан ер ажратиб берилди. Ҳозир корхонамизда 10 киши ишлаяпти. Кунига 1,5-2 тонна бензин сотилади. Энди хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш хаёлида юрибмиз. Корхона ёнида ошхона, магазин, меҳмонхона, сочиқ ишлаб чиқарувчи корхона қуриш ташвишидамиз. Тадбиркорлик осон эмас. Лекин меҳнатингнинг самарасини кўраверсанг дилингда ғайрат-шижоат жўш уриб янгидан-янги довонларни кўзлайверарканасан.

**- Тадбиркорлик фаолиятингизда оила аъзоларингиз ҳам иштирок этишадими?**

- Мен келин бўлиб тушган хонадон шўролар даврида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишган. Турмуш ўртоғим Муҳиддин Тўраев билан кўп йиллардан буён савдо соҳасида ишлаб келамиз. Турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб кетган 4 фарзандимиз ҳам биз билан ёнма-ён, мақсаду, орзуларимиз муштарак.

**- Орзу-ниятларингиз йўлдошингиз бўлсин, муҳтарама Муҳаббатхон!**

**САИДА**

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ!



Андижон вилоят, Шаҳрихон туманидаги "Одина" фирмасининг раҳбари Одинахон Отахонова дастлабки иш фаолиятини тумандаги 3-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлаганди. Аммо ўқитувчиликдан ташқари яна бир ҳунарга — тикувчиликка иштиёқманд эди Одинахон. Шу сабаб мактабда қизлар учун тикувчилик тўгарагини ташкил этди. Мактаб ўқувчилари учун либослар ижод этиб, тикиб вилоят ва республика миқёсидаги кўргазмаларда намойиш этди. Одинахон Отахонова тадбиркорлик доирасини кенгайтирди — "Одина" ишлаб чиқариш фирмаси дунёга келди. Фирма янги нусхадаги тикув дастгоҳлари сотиб олди. Корхонага тикувчиликка ихлосманд қиз-жувонлар ёғилиб келишди. Одинахон ўқитувчилик ва чеварчилик салоҳиятини ишга солиб, уларга ҳам устозлик қилди, ҳам иш ўринлари яратиб берди. Мактаб формасидан ташқари болалар курткалари, ўқувчилар портфеллари ишлаб чиқарилади. Изланувчан, ташаббускор, серғайрат Одинахон билан суҳбатлашсангиз ўзбекнинг ҳар жиҳатдан гўзал ва мукаммал бу қизига ҳавас қиласиз...

**Ўз мухбиримиз**

## БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН

*АХБОРОТ*

Нью-Йоркда БМТ Ассамблеясининг болалар аҳволига бағишланган махсус сессиясида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

Бош вазир ўринбосари мазкур чиқишида республикамиз илк қадамини болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификациялашдан бошлаганини таъкидлади. У шунингдек, республикамизнинг болалик ва оналик муҳофазасига қаратилган турли дастурлари хусусида йиғилганларни хабардор қилди.

Анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош котиби Кофи Аннан "бу болалар аҳволи бўйича шунчаки махсус сессия эмаслигини" қайд этди. «Бу ерда инсониятнинг келажаги ҳал қилинмоқда. Болаларимизнинг бахти ва келажагидан муҳимроқ масаланинг ўзи йўқлиги бизларни шу анжуманга тўплади»,-деди у.

Махсус сессиянинг фарқли жиҳати шуки, унда дунёнинг қарийб барча мамлакатларидан 300 нафар бола қатнашди. Сессияда болалар манфаатини кўзлаб 1990 йилда ўтказилган олий даражадаги бутун жаҳон учрашувидан кейинги даврда қилинган ишлар хулосаланди. Сессия якунларига кўра "Болалар яшаши учун яроқли дунё" ҳужжати қабул қилинди. Унда ҳар бир бола учун ажойиб келажак яратиш юзасидан янги мақсадлар ўз ифодасини топди.

Анжуманнинг якунловчи ишида 164 мамлакатдан келган давлат раҳбарлари ва расмий шахслар, шунингдек, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

**"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# АЁЛИНГИЗ ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ ТУТДИНГИЗМИ?

Одатдаги кунларнинг бирида ишга шошилиб кетаётсам, таниш тадбиркор аёлни учратиб қолдим. Кўринишидан сездимки нимадандир кўнгли хира.

- Тинчликми, опа, хафа кўринасиз?

- Ўтган куни зарур иш юзасидан бир раҳбарнинг қабулига кирган эдим. Ҳозирги биномиздаги шароит анча оғир. Тез-тез чироқ ўчаяпти. Ўз мўлжалимдаги бир жойни айтиб, шуни олишга ёрдам сўрамоқчи эдим. Ахир фирмамизга узоқ қишлоқлардан қизлар келиб ишлашади, ҳунар ўрганишади. Раҳбар арзимни эшитишни ҳам хоҳламай: "Фалончига учрасин", - деб айтибди. Жуда хафа бўлиб кетдим. Умид ва ишончим барбод бўлди. Энди эса ишимга ҳафсаласиз бўлиб қолдим. Юрагим санчаяпти. Шу фирма ишини тўхтатиб, уйда ўтирсам ҳам бўларди, аслида.



Бирор ҳафта ўтиб, таниш аёлни яна учратдим. Юзида бахтиёрлик, лабларида табассум бор эди.

- Биласизми, ўша сизни учратган куним уйга бориб роса йиғлабман. Кўзларим қизарган, рангим бир аҳвол. Умр йўлдошимни ҳар куни остонада кутиб олардим. Бу сафар ҳатто унга кўрингим ҳам келмади. "Сизга нима бўлди?" - деб сўраганида, ишим юришмаётганини айтиб бердим. Тўғриси, энди умр йўлдошим: "Ишингизни йиғиштиринг, нимангизга етказолмаяпсиз", дейишини кутган эдим. Аксинча у: "Хафа бўлманг, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг ҳам чораси бор", -дея кўнглимни кўтарди, ёрдам берди. Бир оғиз сўзи-ю, далдаси билан юрагим ҳам безовта қилмаяпти.

Шу воқеа туртки бўлиб, аёл қалби ҳақида сатрлар битмоққа чоғландим. Хўш, аёлнинг кўнглини кўтармоқ, уни бахтиёр қилмоқ учун кўп нарса керакми? Оила ва ўғил-қизини ўйлаган, қайнона-қайнота хизматини қилаётган, рисоладаги аёлнинг бахтли бўлиши учун эркакнинг озгина эътиборли бўлиши етарли аслида. Байрамларда, туғилган кунида атиги уч дона гул ёки хушбўй атир совға қилишни унутган эркаклар озми? Ёки фарзанд тарбиясидан ва уй юмушларидан сўнг умр йўлдошига бир оғиз ширин сўзини аяйдиган лоқайдлар кам дейсизми?..

Бир аёлни биламан. У йирик ўқув муассасасининг раҳбари. Тўрт фарзанди бор. Кўпчиликнинг ҳурмати, эътиборига сазовор. Хизмат юзасидан опа билан кўп суҳбатда бўлганман.

- Биласизми, синглим, - деди опа бир галги суҳбатимизда. - Ҳаётда ўз ўрнимни топиб, раҳбар бўлишим учун аввало қайнона ва қайнотам, сўнг эрим сабабчилар. Умр йўлдошим бола тарбиясида ҳам, уй юмушларида ҳам доим ёрдам бериб келди. Оллоҳга шукур, мана ўттиз йилдирки, сену менга бормасдан аҳил-иноқ яшаб келаяпмиз. Оиламизда бу эркакнинг иши ёки аёлнинг иши дейилмайди. Оиламиз удуми шунақа. Ҳамма нарса тотувликка, эзгуликка йўғрилган. Бахтим бор экан-ки, шундай мени тушунадиган оилага бека бўлибман.

Яна бир аёлни кўп йиллардан буён танийман. Табиат ундан ҳусну малоҳатни аямаган. Аммо унинг кўзларидан ҳар доим ташвиш-дард сезилиб туради.

- Яқинда қизимни турмушга узатдим. Ҳозир қизим жуда бахтли, яхши оилага келин бўлди. Қизимнинг ҳаёти мени ҳаётимга ўхшамаган бўлишини яратгандан сўрайман...

Бу аёл 19 ёшда турмушга чиқиб, бахтсизликка рўпара бўлган экан.

- Нега шундай бўлган? - Сўрайман ундан. - Бирор тош босадиган сабаб бўлганми?

- Турмушга чиқишимдан олдин кўп китоб ўқир эдим. Ҳаётни гўзал орзулар оғушида яшаш, деб тасаввур қилар эдим. Олижаноб бир севгига эга бўлишни истар эдим. Аммо ҳаётим ундай бўлмади. Умр йўлдошим билан атиги бир ярим йил базўр яшадим. Ундан на ширин сўз, на муҳаббат топмадим. У бамисоли совуқ тош эди. Шу сабабли у билан яшай олмадим. Келмаган бахтни бефойда деб билдим...

Умрини ёлғиз қизига ёки ўғлига бағишлаган бундай аёллар кўплигини ўйлаб, қалбимда оғриқ сезаман. Қалби яраланган дардли бу аёлларга малҳам тополмай қоламан. Нимага? Нечун? Сўроқлар мени эзиб қўяди.

Алалхусус, Аллоҳ жамики жонзотни, олий хилқат бўлмиш инсонни ҳам жуфт қилиб қўйган. Кези келса қалби гулдан нозик, иродаси тошдан қаттиқ аёлнинг бахти бекам бўлиши унинг жуфтига боғлиқ. Уни асраш, эъзозлаш, ҳар жиҳатдан тўкис бўлиши эркакларнинг қўлидан келадиган иш. Ҳар бир оиланинг ўз сиру асрорлари бор. Бир оиланинг шарт-шароити бошқасига тўғри келмайди. Бунинг учун ҳар бир жуфт ўз қадр-қимматини билиб, унинг билан ёнма-ён яшаётган иккинчи кишини ҳам шу қадар эъзозлаб, қадрласагина кўзланган мақсадга эришмоқ енгиллашади...

Азизлар, аёлга етиб бўлмас бойлик ёки мартабани ваъда қилманг. Унинг қалбига қулоқ тутинг. Ана шунда унинг овозини эшитасиз. Бунинг дориси битта. У ҳам бўлса самимийликдир. Фақат чин дилдан гапириб, самимий муносабатда бўлсангиз, Сиз эшитасиз. Агар ширин сўзингизни аямай, уни ҳурматини жойига қўйиб, қадрлай олсангиз, у сизга шамчироқдай куйиб кул бўлиб қолгунча содоқат сақлайди. Оиланинг таянчи бўлади.

Хўш, Сиз аёлингиз қалбига қулоқ тутдингизми?..

**Феруза МИРЗАОЛИМОВА**
**Андижон шаҳри**

***

*Хотира — муқаддас*

# ТАЪЗИМ

Биз икки қиз, бир ўғил отадан эрта етим қолдик. Отамиз 1941 йили урушга кетиб қайтмади. (Оллоҳ жойларини жаннатдан насиб этган бўлсин!) Уч фарзанд буткул онамиз қарамоғида қолдик. Гўзал ва бебаҳо ёшлигимиз урушдан кейинги йилларга тўғри келди. Онам раҳматлик ўқимаган, содда қишлоқ аёли эди. Аммо, ҳикоя ва эртакларни кўплаб билар эдилар. "Тоҳир ва Зуҳра", "Ёрилтош", "Қорасоч", "Зумрад ва Қиммат" ва бошқа кўплаб эртакларни биринчи бўлиб онамдан эшитганмиз. Ўша йиллари қиш қаттиқ бўлар, қорлар ҳам кўп ёғар, нимагадир куз эрта тушар эди. Узундан-узоқ қиш кечалари танча атрофида ўтириб, онамизга мадад бўлармикан, деб кўсак чувир ва онамдан ҳар доим ҳикоя айтиб беришларини илтимос қилар эдик. Онажоним хомуш тортиб қолар ва айтишга шошмас эдилар. Биз болалар танча атрофида тоқатсизланиб кутар эдик. Онажоним чуқур бир тин олиб ғамгин ҳолатда ҳикояни бошлар эдилар.Шундай берилиб айтардиларки, гоҳо кўз ёшларини тиёлмас эдилар. Гўёки айтиб бераётган эртакларининг қаҳрамонларидек ўзларини ҳис қилар эдилар. Гоҳида бизнинг ҳам кўзимизга ёш келиб йиғлардик. Улғайиб, вояга етиб нега онам берилиб эртак айтиб кўз ёшларини тўкканларини сезгандек бўламан. Онажоним ўшанда ўзларини ички дардларини ҳам қўшиб айтиб, юракларини бўшатиб олар эканлар.

Онам мен билан жуда мағрурланар эдилар. Уйимнинг чироғи, тиригимни боқади, ўлигимни кўмади, деб такрор ва такрор айтардилар. У пайтлар ёшман, кўпам бундай гапларнинг фарқига бормас эдим. Кейин билсам, бу гапларда қанчадан-қанча маъно борлигини, фарзанд учун катта вазифа ва бурч борлигини пайқадим.

Эсимда, қайси бир йили кеч куз қора совуқ авжида. Ўша куни оёғимга киядиган кийим йўқ. Мактабга яланг оёқ чиқиб кетганман. Қишлоқ йўллари тўпиққача тупроқ бўларди, ёзда оёқни куйдирса, кузда совуқдан чидаб бўлмас эди. Мактабдан чиқа солиб, уйга томон югура бошладим. Оёғимдан совуқ ўтиб, йиғлаб борардим. Онажон, ўшанда сиз уйимиздан чиқиб, мен томонга бағрингизни очиб учиб келардингиз. Кела солиб, икки оёғимни халатингиз билан ўраб кўтариб уй томон кетгансиз.

Онажон, ҳовлимиз доим озода, ўртада ариқ жилдираб оқар, ҳовузча кўм-кўк сув билан лиммо-лим, олма тагида мўъжазгина каравот бўларди. Оқшомлари суҳбат қуриб ўтирар эдик. Гоҳо, болам, "Қаро кўзим"ни хиргойи қилиб бергин дер эдингиз. Шунда қўлимга торимни олиб "Қаро кўзим"ни берилиб айтар, "Муножот" куйини завқ билан чалар эдим. Сиз бўлса, ғамгин ҳолатда бир нуқтага тикилиб, сукут сақлардингиз. Кўзларингизга ёш қалқир эди. Ким билади дейсиз, урушга кетган отажонимни эслаяпсизми, ёки орқада қолган қийинчиликларни ўйлаяпсизми, у ёғи менга қоронғу.

Бир куни туш кўрибман, тушимда тоғам, аммам ва сиз ясатиғлик каравотда гурунглашиб ўтирибсизлар. Негадир менга яхши эътибор бермаяпсиз. Уйғониб кетдим, ойижоним нега мендан хафа эканлар деб, синглимдан, опамдан хабар олдим. Опамнинг бироз тоблари қочган экан. Ўзингиз фоний дунёга рихлат қилган бўлсангиз ҳам руҳингиз доимо биздан хабар олиб туради.

Онажон, доимо менга болаларингни ўқитгин, яхши тарбия бергин, қизларингни жой-жойига тинчитгин, деб насиҳат қилар эдингиз.

Айтганларингизни ҳаммасини мана, Худо хоҳласа, бажараяпман. Икки ўғил, беш қизимни ўқитдим, илмлик қилдим. Беш қизимни жой-жойига тинчитдим, бир ўғлимни уйлантирдим. Мана ҳадемай, кенжа набирангизнинг тўйини ўтказаман. Руҳан мадад бериб турасиз. Ўзим ҳам олтмиш беш баҳорга яқинлашиб қолдим. Ўн саккизта набирам бор. Улар сизга чевара.

Онажон, келинингиз қилган ҳолвайтарни, тансиқ овқатларни яхши кўрар эдингиз. Пайшанба кунлари келинингиз холвайтар қилиб келса, сизни эслайман. Кўзимга ёш келади. Секин кўз ёшларимни артаман. Болалар сезмасин деб, "нимагадир кўзим ёшланадиган бўлиб қолди", дейман.

Онажон, ҳаёт бўлганингизда тўқсон бир баҳорни қаршилаган бўлардингиз. Мана, йигирма йилдирки орамизда йўқсиз, аммо қалбимизда бир умр тириксиз. Сизни жуда-жуда соғинаман, руҳингизга бир умр таъзим қиламан. Ҳар йили баҳорда қабрингизни зиёрат қилгани чиқамиз. Мана, яна баҳор келди. Қабрингизда сиз яхши кўрган чучмомалар очилиб ётибди, бош эгиб шу сатрларни эслайман:

**Оҳларимга етиб Худо,**
**Кўнгилларим кошки тўлса.**
**Этар эдим жоним фидо,**
**Онажоним тирик бўлса.**

**Курбонбой ҚАЮМОВ**
**Тошкент тумани,**
**Чувалачи қишлоғи**

***



# ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

● Жуфтинг ота-онаси билан яхши бўлиб, сени тушунмаса, яна бир бало! Болаларинг яхши бўлсин учун, аввал отасини рисолага солиш керак! Аммо қўрқма, бу ишлар унчалик мушкул эмас. Биринчидан, сенинг ниятинг яхши, йўлингни Худо ўзи очади. Иккинчидан, эркак одам самимий, ташвиқотга тез берилади. Учинчидан, сендан кўп нарса кетмайди, фақат МЕҲР, МЕҲР ва яна МЕҲР, холос!

● ***Ҳеч қачон жуфтимни эгиб оламан, деб ният қилма!*** Бу ёмон аёлнинг иши! Эрни ҳаммага маъқул бўладиган, хайрли ишларга етаклаш бошқа, бу ҳаракатнинг номи-дўсти содиқлик! Аммо уни фақат ўзининг яхши-ю ёмон истакларини ижро этадиган лақмага айлантириб олиш олчоқлик, хиёнатдир! Бундай аёл қайтимни фарзандларидан олади: яъни, куни келиб ўғлонлари унга терс қараб кетадилар, қариганда ғариб бўлади...

● Қизим-жоним, дейлик, сен қайнэгачи ёки қайнсингилсан. Агар онангни астойдил яхши кўрсанг, келинга ёқиб олишни ***ният қил!*** Борди-ю онангнинг феъли чатоқроқ, келинга ботадиганроқ бўлса, келиннинг кўнглини икки баравар кўпроқ овла! Сен уни хуш кўрасанми, хуш кўрмайсанми, барибир, унга ёқиб олишинг шарт! Сабаби, сен бу ҳовлига омонатсан. Ҳамиша онангнинг рўпарасида турадиган — мана шу келин. Онанг эса кундан кунга чарчаб бораётган жондир. Унга бир парвона керак. Келин сени яхши кўрса, онангдан дили оғриса ҳам, сенинг ҳурматинг учун, унинг хизматини қилиб, илиқ гапириб туради.

Ишинг қайнона-келин орасини иситиш бўлсин. Эътибор – инсон учун жуда қимматли нарса! Ҳар келганингда ҳеч йўқ иккита тош олма бўлса-да, ёнингга солиб кел. "Оғзингизга ёқармикин деб атойин олиб келдим",-де! Йўқлов ҳар қандай кўнгилни ўстиради. Қарабсанки, келиннинг кўксидан ранж кўчади ...

● Келинойингга ёқишни астойдил ***ният қил!*** Чунки акангнинг биринчи маслаҳатчиси шу. Атрофни бир кузат — аёли кимга эътибор қилса, эркаги ҳам ўшанга марҳаматли бўлади. АКАНГНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙИШДАН ҚЎРҚСАНГ, КЕЛИНОЙИНГНИНГ ЭТАГИДАН МАҲКАМ ТУТ!

● Халқда "Янга кўрган қизни келин қил" деган нақл бор. Бу ҳам ният. Зийрак қиз учун келинойи — тайёр дорилфунун. Ёқимли ишларини дарров кўчирасан, ёқимсизини борган жойингда асло қила кўрмайсан.

Ўзинг қизлари бор ҳовлига келин бўлсанг, янада ҳушёррок яшашинг керак бўлади. Улар сендан андоза олаётгани учун ҳам нотўғри иш қилишга ҳеч ҳаққинг йўқ! Қайнсинглинг бир жойга кўнгач, танбеҳ эшитиб қолса, "Онам-ку билмабди, келинойим нега шу нарсани менга ўргатмади?"- деб сенга даъвогар бўлади.

Қизойим, отинг "Зийракойим" бўлсину, илоҳим, фақат "яхши келин бўлай деб эмас, шарофатим юқиб, мен борган хонадондаги қизлар ҳам яхши келин бўлсинлар" деб НИЯТ қилгин!

***(Давоми. Боши ўтган сонларда.)***

**Турсуной СОДИҚОВА**

**Ташрифларингиздан бири**

# МЕНГА МЕҲР БЕРИНГ, ОТАЖОН!



Хонага истараси иссиқ, хушрўйгина, 25-26 ёшлардаги аёл кириб келди.

- Опажон, ҳузурингизга юрагимни ўртаётган бир дард билан келдим... Вақтингизни олмайманми?

**- Бемалол гапираверинг. Қандай ташвишлар етаклаб келди сизни?**

- Менинг гапларимни эшитиб яна арз қилиб келибди, деб ўйламанг. Лекин кимгадир айтмасам, бу ғам бир ўзимга оғирлик қилиб кетди... - дея аёлнинг кўзларида ёш айланди...

Исмим Нафиса. Оилада тўрт фарзандмиз — бир ўғил, уч қиз. Дадам маълумотли, бир неча йиллар нуфузли ишда ишлаб келган. Шунданми, ошна-оғайниси кўп, ўртоқлари орасида обрўси баланд. Ҳа, дадамни кўча-кўйда кўрганлар жуда яхши, хушфеъл одам деб таъриф беришади. Бироқ уйда... Уйда умуман тескариси. "Кўча хандон — уй зиндон" дейишади-ку, ана шундай кишилар тоифасидан... Сиз ўйламанг, дадасини ёмон кўрар экан, деб. Йўқ, мен дадамни яхши кўраман, фақат дадам бизни биз хоҳлагандек, орзулаганимиздек яхши кўрмайди.

**- Бундай хулосага келишингизга сабаб нима?**

- Сабаб?.. Эсимни танибманки, дадамнинг ширин сўзларини, эркалашларини эшитган эмасман. Ойимни бизнинг кўз ўнгимизда таҳқирлаб, ургани-урган эди. Биз ана шундай пайтларда қўрқувдан дағ-дағ титрардик. Менга ҳам кўп зуғум қиларди. Чунки дадам ойимни урган пайтлари кўпинча мен югуриб уларнинг ўртасига туриб олардим. Юрак ютиб бундай ҳаракатни қилганим учун мени ҳам қўшиб... Бир гал мени қаттиқ итариб юборган. Ўшанда бошим эшикка тегиб қаттиқ лат еган. У пайтда мен 5-6 ёш бўлганман. Шундан сўнг, жароҳат натижасида тутилиб гапирадиган бўлиб қолганман. Узоқ йиллар даволандим, яхши бўлиб кетдим. Шу сабабданми, тутилиб гапирадиган болаларни ўқитадиган ўқитувчи бўлдим. Логапедман ҳозир.

**- Дадангиз ичиб олиб шундай қилармиди?..**

- Камдан кам ичарди. Мен дадамнинг маст бўлганини кўрмаганман.

Хуллас, мактабдан уйга, уйдан тўғри мактабга қатнаб, кўчага, байрамларга фақат дадам назорати остида борардик. Ўртоқларим билан бемалол гаплашолмасдим. Дугоналарим севган йигитлари тўғрисида гапиришарди. Менга бу олам жуда сирли, қўл етмасдек эди...

Мактабни битирдим. Ўқишга кириб ўқий бошладим. 3-курсда ўқиб юрганимда дадам мени ўзининг яқин бир дўстининг ўғлига турмушга берди. Қизлар узатилаётганида ота уйидан кўнгил узолмай, юраги бетламай чиқишади. Мен эса бу аччиқ ҳаётдан, ғурбатлардан қутилиб кетаётганимга шукр қилиб чиққанман. 8 та қайнэгачининг ичида битта келин эдим. Бундан кейинги ҳаётимда, бораётган уйимда нима қийинчилик бўлса, барчасини енгаман, деб ўз-ўзимга сўз бердим.

Турмушим яхши бошланди. Мен бор вужудим билан шу хонадондагиларни дуосини олиш учун елиб-югуриб хизмат қилдим. Бир йил ўтиб фарзандлик бўлдик. Яхшигина яшаб юрувдик... Бироқ дадам билан қайнотамнинг ораси бузилиб қолди.

**- Урушларининг сабаби оилавий можаролармиди?**

- Йўқ, кўпчилик ўртоқлари ўртасида бир-бирини нафсониятига тегадиган гап қилишган, бир-бирини тобе қилдирмоқчи бўлган. Жиддий тортишув бўлган. Ўша кунги келишмовчиликлардан сўнг, қайнотам менга терс муомалада бўладиган бўлди, кўтардим. Ўтиб кетар, дедим. Унга қўшилиб эрим ҳам мени азобга соладиган, ҳар хил гаплар билан эзадиган бўлиб қолди. "Мен хоҳлаган аёл эмассан", дейишгача борди, тишимни-тишимга қўйдим, чидадим.

Нафиса бу гапларни гапирар экан, асабийлашгани учунми тутила бошлади. Ҳалигина "бутунлай тузалиб кетганман" дея кўзлари порлаётган аёлнинг аҳволини кўриб юрагим ачишиб кетди.

Дадам билан қайнотамнинг жанжалларидан 1-2 кун ўтиб ойим келдилар. "Даданг, хабар олиб келгин деб, юбордилар. Тинч ўтирибсанми?", деб сўрадилар. Мен ҳеч нарсани айтмадим. Яхшиман, хавотир олманг, деб қайтариб юбордим. Бироқ бу ишкалнинг охири бахайр бўлмади. Дадам мени эримдан ажратиб олиш пайига тушдилар.

**- Эрингиз, қайнота-қайнонангиз бунга нима дейишди?**

- Эрим менга нисбатан совуқ муносабатда эди. Севмасди. Дадам билан дадасининг муносабати совуқлашгани бизнинг ҳам муносабатларимизга дарз кетишига сабаб бўлди. Ҳар икки гапнинг бирида: "Сени битта пайпоққа ҳам алишмайман", деб айтарди.

Кўнгил совиди. Қайнонам эса менга: "Жон болам, кетманг. Сизга чивин ҳам қўндирмайман", деб ялинди-ёлборди. У ёқда дадам: "Агар қайтиб келмасанг, сендек қиздан воз кечаман, "оқ" қиламан, онангни ҳам ҳайдаб юбораман",- деб туриб олди. Икки ўт орасида эдим... Бўлмади, ажралишдик.

Қайтиб келганимдан сўнг дадамнинг менга бўлган муносабати ёмонлашса ёмонлашдики, яхши бўлмади. Менгаку меҳр кўрсатолмади, яхшигина турмушимни шахсий адовати туфайли бузиб юборганини мана 8 йил бўляптики, кечиролмайман.

**- Бошқа турмушга чиқмадингизми?**

- "Биринчи бахтим ой бахтим, сўнгра сувга оқдим», дейдилар. Ўзимга мос келадиган, тўғрироғи, тақдиримга битган киши чиқмади...

Ўғлим билан дадамнинг кўзига ёмон кўрина бошладим шекилли, "ўз аравасини ўзи тортсин, уйдан чиқиб кетсин", деб туриб олди. Шаҳар четида икки хонали уйимиз бор эди. Дадам ўша ёққа чиқиб кетишимни талаб қила бошлади. Ойим ўртага тушиб, уни бу шаштидан қайтармоқчи бўлдилар. "Кўзимга ёмон кўринаяпти, чиқиб кетсин уйдан", деб туриб олди. Мен дадамга: "Дадажон, мени ҳайдаманг, менга оқ фотиҳа беринг, чиқиб кетаман", дедим. Дадамнинг тош қалбини эса менинг илтижоли бу сўзларим эрита олмади. Охири кўчишга қарор қилдим.

Кўчадиган кунимиз эрталаб дадам ишга кетиб қолдилар. Мен йиғлаб-йиғлаб нарсаларимни йиғиштирдим. Машинага юкларни ортиб бўлган ҳам эдикки, кўча бошидан дадамнинг машинаси кўринди... Ойимни боришини тақиқлаб, дадам мен билан кетдилар.

Ҳувиллаб ётган хонага юкни тушириб бўлгач, бир пас туриб қолдилар. Мен бу жимликдан сўнг нима дер эканлар, деб юрак ютиб кутиб турдим. Ниҳоят: "Яхши яшаб юргин, агар бирор гап эшитсам, мендан яхшилик кутма",- дедиларда чиқиб кетдилар. Мен полга тиззам билан чўккалаб, ичимдан тошиб чиқаётган йиғин боса олмадим. Ўғлимни қучоқлаб ҳўнграб йиғлайвердим, йиғлайвердим. Ҳали кўп гапларнинг фарқига бормайдиган ўғлим ҳам бошимни бағрига босганча, менга қўшилиб овозсиз йиғлай бошлади...

**- Узоқроқ юрганингиздан сўнг қадрингиз ўтиб қолгандир?**

- Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Лекин, бунинг акси бўлиб чиқди. Борсам, "Нимага келди қизинг", деб ойимни сўроқлайверадиган, "Ҳадеб келавермасин",-деб талаб қўядиган бўлди. Баъзан ойимдан: "Тўғрисини айтинг, мен ўгай эмасманми, ойижон. Нимага дадам мени шунчалик ёмон кўради?", деб сўрайман. "Қўявер қизим, дадангнинг феъли шундай. Жаҳлдор. Ҳар нарсани кўнглингга олаверма", деб юпатадилар. Ойим... Бир умр рўшнолик кўрмай ўтаётган ойим. Баъзан уйга бориб қолсам, юз-кўзлари кўкарган ҳолда учратардим. Мендан яширишга ҳаракат қилсаларда, мен туфайли 50 ёшдан ўтганда ҳам калтак еяётганликларини сезардим. Укам ҳам, синглим ҳам дадамнинг важоҳатидан юрак олдириб қўйишганди...

Бундан 5 ой олдин уйга бориб, ойим билан гаплашиб ўтирдим. Кечга томон "Дадам келмасидан тезроқ кетиб олай, кўзига ёмон кўринмай", деб энди чиқиб кетаётган эдим, дарвозадан кириб келиб қолдилар. Мени кўриб: "Нима қилиб юрибсан?", "Қани сумкангни очгин-чи, нима олиб кетаяпсан?", деб қўлимдан сумкамни олиб титкилай бошладилар. Дадамнинг бу қилиғидан оғриниб кетган ойим сумкани олмоқчи бўлдилар, дадам эса менинг ва набирасининг кўз олдида ойимни уриб кетдилар... Ҳаётимдаги энг ёмон, энг даҳшатли манзара эди бу... Жанжални бостириб: "Қўрқманг, бошқа келиб, сизларни безовта қилмайман", деб кўзимда ёш билан боламни етаклаб чиқиб кетдим... Шундан бери уйга бормаяпман. Хаёлим ўзимда эмас. Ҳафтада 7 кун бўлса, 3 куни тушимга фақат жанжал кирарди.

Ойимни соғинаман, телефонда гаплашаман. Элу юртга шарманда бўлмайлик, деб ҳар дардни ичларига ютадиган, чидайдиган ойижоним олдида бир-икки кун тургим келади...

Биласизми, гарчи менга меҳрсиз бўлсалар-да, баъзан дадамнинг елкасига бош қўйиб йиғлагим келади. Соғинаман. Кўча-кўйда бирор ёши улуғ киши менга қизим, деб майин гапириб қолса, қанийди шу одам менинг дадам бўлиб қолса, деб ўйлайман. Ҳаётда барибир ота маслаҳатига зор бўларкансиз. Мен дадамга суяниб яшагим келади. Отамнинг меҳрини қозониш учун, унинг инсофга келиши учун қандай йўл тутишни билмайман. Юртимиздаги қариялардан маслаҳат олмоқчи эдим. Мен нима қилай?

* * *

Инсонга она сути билан кирган туйғулар ичида энг муқаддаси меҳр, инсонларни, қалбларни бир-бирига яқинлаштирувчи қудратли куч ҳам меҳр. Отадек буюк зотнинг фарзандига бўлган меҳри бу бир умр қўллаб тургувчи дуодир. Бироқ бу шарафни тугал тушунмаган кўринади Нафисанинг отаси. Меҳр ўрнини қаҳрга бўшатиб беришига нима сабаб? Худбинликми? Инсон бошига мусибат тушса бирбирининг қадришга етиб қолади. Бироқ меҳр кўриш учун мусибат келишини кутиш керакми? Отанинг ўз зурриёдига бўлган меҳрсизлиги бу — мусибатнинг ўзи-ку?

Суҳбатдошимнинг тутила-тутила, кўзларида ёш билан айтиб берган кечинмаларини эшитарканман, машҳур бир ёзувчининг ушбу сўзлари ёдимга тушди: "Қабрингиз устида йиғлашлари учун, фарзандларингиз кўз ёшини тўкманг".

Отажонлар, фарзандингиз нима учун кўз ёш тўкаяпти? Сиз ундан ҳеч нарса аямаяпсизми?.. Биз бир-биримиздан меҳрни аямаяпмизми?..

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

**Мактубларингизни ўқиб...**

# "ЎЗ СЕВГИМНИ ТОПДИМУ, ЛЕКИН..."

Сурхон воҳасининг Ангор туманидан келган мактубни 16 ёшли Шаҳноза исмли қиз йўллаган. Унда шундай битилган: *"Мен ўз севгимни топдим. Лекин бу - севгимга эришдим, дегани эмас. Тўғри, Б. мени севади, бироқ қадримни баланд қўймайди назаримда. Севади-ю, жуда бепарво. У менинг инжиқликларимни учдан бирини ҳам кўтармайди, мен эса унинг инжиқликларини барчасини кўтараман. Чунки, мен уни севаман, доим унга ялиниб юраман. Баъзида аччиқ устида орани очиқ қиламану, яна чидай олмайман. Бу кўргуликлар етмаганидек, уйимдагилар мени унга беришмаслигини ҳам биламан... Мен усиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман. Менга ёрдам беринглар, шундай йўл кўрсатингларки, мен Б. дан ҳам, ота-онамдан ҳам воз кечмаслигим керак. Мен қўлимдан келганича курашаман!"*

Шаҳноза ўз мактубига "Дардномa", деб сарлавҳа қўйган экан. Ҳар бир сатрда маслаҳат кутиб, тикилиб турган нигоҳларига дуч келгандек бўлавердим. Кўнглимдан бир ўй кечди-ю, аммо қоғозга тўкмадим. Зеро, "Оила ва жамият"нинг мендан-да зукко, ҳаёт тажрибаси пишиқ саналган муштарийлари кўп эканини эътиборга олиб, мактуб муаллифига зарур маслаҳатни муштарийларга ҳавола этмоқни лозим топдим.

Азиз муштарийлар! Шаҳнозага шундай йўл кўрстингки, у ўзи ёзгандек, севгисидан ҳам, ота-онасидан ҳам айро тушмасин!

Тошкент шаҳар, Ўриксзор кўчасидан йўлланган мактуб муаллифи 20 ёшли йигит шундай ёзибди: *"Мен Н. ни унутишга ҳаракат қилдим. Шу ниятда ўзимдан уч ёш кичик қиз билан танишдим. Буни қарангки, унинг ҳам исми Н. экан. У билан учрашиб юрдим. У мени жуда севиб қолди. Тўғриси, бу қиз аввалги Н. дан ҳам чиройли эди. Лекин мен барибир уни севмасдим. Мен фақат биринчи муҳаббатим бўлган аввалги Н. ни севардим...*

*Бир куни кечқурун уйимизга унинг онаси телефон қилиб қолди. Н. оғир аҳволда ётганлигини, у мени деб кўп дори ичиб юборганини айтди. Мен қўрқиб кетдим. Эртаси куни уйига бориб, уни чақирдим, зўрға юриб чиқди. У жуда маъюс эди. Қарасам, қўлига ўйиб, исмимнинг бош ҳарфини ёзиб олибди. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. У билан учрашишни давом эттирдим. Икки йилдан бери учрашиб юрибмиз. Лекин мен барибир биринчи муҳаббатимни севаман. Уни ҳеч ҳам унута олмасам керак. Ота-онам мени уйлантиришмоқчи, қиз қидиришаяпти. Лекин менга ҳеч ким ёқмайди. Менга фақат биринчи муҳаббатим бўлса бўлди. Лекин у жуда гердайиб кетган. Ҳозир у талаба. Ўқишига бориб, бир-бир кўриб келаман. Шуҳрат Қаюмовнинг "Нетай" қўшиғини эшитсам, йиғлагим келаверади, худди менга атаб айтилгандек.*

*Азизлар, менга маслаҳат беринг, нима қилай? Қандай йўл тутсам, биринчи муҳаббатим билан бирга бўламан? Мени севиб юрган қиз - Н. чи? Унга нима бўлади? Унинг ҳам бутун умр ўзим каби куйиб юришини ҳеч истамайман. Маслаҳатларингизни кутиб қолувчи тошкентлик Д.".*

Менинг назаримда, мактуб муаллифи энг аввало, ўзи учун кураша оладиган ёшда. Қолаверса йигит! Қиз боланинг кўнглига йўл топиш борасида аниқ йўриқнома мавжуд эмас. Бу масалани ҳар ким ўз қалби, ақли-фаросати кўмагида ҳал этиши керак. Халқимизда: "Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради",- деган журъатга, қатъиятга ундовчи нақл бор. Яна айтишган-ку: "Жон чекмагунча жонона қайда?". Балки Д.нинг биринчи муҳаббати бўлмиш қиз ундан айнан журъат кутаётгандир. Зеро, қизлар аксарият дадилларни хуш кўришади. Фақат йигит дадиллик билан шилқимлик фарқини ажратиб олса бас!

Хулоса ўрнида яна бир мулоҳазани айтай. Бу фикрим оила қуриш арафасида турган йигитларга тегишли: "Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ масалани, айниқса, муҳаббат борасидаги муаммоларни ҳал этишда, энг аввало, ўзингизга ишонинг, қатъиятли бўлинг. Бу фазилат оилавий турмушда жуда муҳим ўрин тутади. Сўраб-ўрганиб олим бўлиш ҳар соҳага хос, аммо муҳаббат соҳа эмас! Шу боисдан ҳам севгининг илмий ва амалий дастури йўқ!

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари:

**"Кўйида мен тош бошимни**
**урмаган остона йўқ,**
**Элда бор шундай масал:**
**жон чекмасанг жонона йўқ"**

- юқоридаги фикримизга яна бир асос бўла олади.

**Дилмурод САЙЙИД,**
**журналист**

# БУ ДУНЁ ЯХШИЛАРГА ТЎЛА

Сабоҳат, сизнинг ёзганларингизни ўқиб, менинг ҳам эски ярам янгилангандай бўлди... Мен ҳам севган йигитимнинг тўйи бўлаётганини эшитган куним, юрагим орқамга тортиб кетган. Нима қилишни билмасдим. Кўнглимга қил ҳам сиғмасди, бақириб йиғлагим келарди. Қулоғим остида унинг овозлари, "Дилдора" деганлари жарангларди. Кўз ўнгимдан унинг қарашлари ўтарди. Ҳаммасини ёлғон эканини тасаввур қилиш, ўлимдан кўра оғирроқ эди... Наҳотки шунча йил ёлғонлар ичида яшаган бўлсам? Мен ташлаб кетган пайтимда ҳам мендан юз ўгирмаган инсоннинг бевафолик қилиши оғир эди. Йиғлагим келарди, аммо кўзларимга ёш келмасди, томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандек эди гўё... Алданганлигимни тан олиш қийин, оғир эди... Лекин шунда ҳам ўзимни сиздек оёқ ости қилмаганман. Нега сиз "менга қўнғироқ қилинг", дедингиз. Агарда сиз унга керак бўлсангиз, ўзи аллақачон қўнғироқ қилган бўларди. Нима учун унинг олдига югуриб чиқдингиз, керак бўлсангиз у ёнингизга ўзи борарди. Жаҳлингиз чиқмадими? Нега бошқа қизнинг ёнига келганини билиб туриб қайрилиб кетиб қўя қолмадингиз? У ҳаттоки, нафратга ҳам лойиқ эмас. Вақтида ундан қутилганингиз яхши бўлибди. Ҳали ёшсиз - қари қиз эмассиз. Ҳали ота-онангизга кераксиз. Кимгадир севимли ёр бўла оласиз, деб ўйлайман. Ор-номусингиз поймол бўлгани йўқ-ку?! Сиз тириксиз, атрофга бир қаранг, ҳаётда ундан кўра кучлироқ, буюкроқ ҳис туйғулар ҳам бор. Ҳаётда севиклисини йўқотганлар, ташлаб кетганлар қанча. Нега улар ўзларини ўлдиришмади, деб ўйлаб кўринг. Севги ҳеч қачон ўлмайди, инсонни ҳам ўлдирмайди.

Балки сиз уни чин дилдан севгандирсиз, лекин уни синаб кўрганмидингиз? Ҳар куни телефон қилардим, сўзлашардим, дебсиз . Бундай қизни йигитлар нима деб ўйлашади. У сиз ҳақингизда бошқалар билан ҳам худди мен билан гаплашгандек, гаплашавериб ўрганиб қолган бўлса керак, деб ўйлагандир?! Биламан, севги оғир дард... Иккимизнинг тақдиримиз озгина бўлса ҳам ўхшашроқ экан.

Мен ўша пайтлар уйқу нималигини билмасдим, кечалари уйғониб кетардим. Уни бошқаси билан тасаввур этиш, ўйлаш... Энди уни ўйлашга ҳаққим йўқ...

Биласизми, Сабоҳат. Бу ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи. Одамлар борки ўз боласини ташлаб кетади, ота-онасини қариялар уйига топширишади. Дунёда ана шундай ғамлар бор...

Сабоҳат, энди бу гаплардан фойда йўқ. Чунки ҳаммаси ўтиб кетди. Ҳаммаси ортда қолди. Сиз ўзингизни қўлга олинг, ўй- хаёлларга, ўткинчи ҳис-туйғуларга берилманг. Сиз шундай яшангки, у сизга ҳавас билан қарасин, вақти келиб қилган ишига пушаймон бўлсин. Уни ҳам барибир қачондир боши тошга текканда, виждон азоби ўртайди. Пок севгининг қадрига етмаганига пушаймон бўлади.

Ҳаётнинг синовларига бардош беринг. Иродаси кучли инсон бўлинг. Сабр-бардошли, тоқатли бўлинг. Ота-онангиз хоҳлаган инсонга турмушга чиқинг. Улар сизга ёмонликни раво кўришмайди. Ҳали ҳаммаси олдинда. Ушбу сатрлар билан фикримни якунламоқчиман:

**Мен сени хаёлдан қувиб юборгум,**
**Аксингни юракдан ювиб юборгум,**
**Мабодо ўзимнинг қурбим етмаса,**
**Бировнинг меҳрига кўмиб юборгум.**

**ДИЛДОРА**
**Урганч шаҳри**

## АКС САДО

## “Унинг уйида тўй бўлса...”—7-сон

***ЭСЛАТМА:** Ш. исмли йигит билан севишдик. Уни деб келаётган совчиларни қайтардим. Бора-бора Ш. кўринмай кетди. Бир куни уйига қўнғироқ қилсам, уйланаётганлигини айтди. Ахир мен Ш. нинг йигитлик лафзига ишониб, уни кутгандим. Азиз юртдошлар, энди мен нима қилай?*
**САБОҲАТ**



Сабоҳат опа, бошқалар қандай қабул қилади, билмайману, аммо мен сизнинг фикрларингизга, олдингизга қўйган "фожеали" мақсадингизга мутлақо қўшилмайман. "Ёшим ўтиб қолмоқда", дебсиз. "Ҳечдан кўра кеч" бўлгани афзал эмасми? Оллоҳ бутун борлиқни, табиатдаги жамики жонзотни жуфт-жуфт қилиб яратган. Ҳеч ким бу дунёда умрини танҳоликда ўтказмайди. Фақатгина Аллоҳ танҳодир.

Севишганлар бир-бирига ҳамиша ҳам етишавермайди. Мен айрим йигитларимизни гулдан-гулга қўниб юрувчи булбулга ўхшатгим келади.

Ўзингизни ўлдиришга жазм қилибсиз, бу ақли расо ўзбек қизига номуносибдир. Бир ўйлаб кўринг-а, сиз шайтони-лаъин сўзига кириб фоний дунёни тарк этдингиз. Нима ўзгаради? Ҳеч нима. Ҳеч ким сизни севги учун қурбон бўлибди, демайди. Бундан фақатгина ота-онангиз, яқинларингиз жабр кўради. У эса ўзи айтган маҳалладош, севимли, одобли қизга уйланади...

Ота-боболаримиздан қолган эски бир нақл бор: "Бургага аччиқ қилиб, кўрпангни куйдирма" деган. Келинлик либосини қайғу либосига алмаштириш жоизми? Менинг фикрларим дилингизга озор берган бўлса, узр. Ўзимдан икки ёш катта инсонга маслаҳат бермоқчи эмасман. Менинг сўзларимни сизни охирги мақсадингиздан қайтармоқчи бўлган синглингизни сўзлари деб билинг.

Ҳар бир ўзбек қизининг ойдек юзи чимилдиқ кўрсин илоҳим, Аллоҳим сизга сабр бардош берсин.

**НИЛУФАР**
**Қарши шаҳри**

Сабоҳат опа, мендан 5 ёш катта экансиз. Менинг бошимдан сизникидан кўра бошқача кунлар ўтган. У чин юракдан севса-да, мен уни унутдим. Энди мен унга, у менга бегона.

Сизга маслаҳатим, Ш.ни эсдан чиқаринг. «Қандай қилиб эсимдан чиқараман», дерсиз... Биласизми, бунинг йўли осон. Мен ўқишга шундай берилиб кетдимки, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди. Мени унутганни мен ҳам унутаман, дедим.

Майли Ш. ўша қизга уйлансин. Лекин сиз билан ўтказган дамларни умрининг охиригача соғиниб, қўмсаб яшайди, мени айтди дерсиз.

Шу ўринда Ш. га айтадиган гапларим: Сиз 5 йилдан бери ардоқлаган севгини поймол қилдингиз, номарднинг ишини қилдингиз: "Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас", дейдилар. Сиз эса сўзингиздан қайтдингиз. Бир кун келиб афсус чекасиз, унда кеч бўлади. Бошингизга оғир кулфат тушганда Сабоҳат опамни ёдга оласиз. Балки йиғларсиз, "Сабоҳатга уйланганимда бундай бўлмасмидим" дерсиз...

Сабоҳат опа, мен сиз билан хат орқали танишмоқчи эдим, агар маъқул кўрсангиз, опа-сингил бўлайлик.

**Муҳайё СУЮНОВА**
**Жиззах вилояти,**
**Фориш тумани,**
**Боғдон маҳалласи,**
**Уста Усмон кўчаси, 4-уй**

Сабоҳат опа, мени сизнинг сўзларингиз ҳайратга солаётибди.

Наҳотки ўша номард учун ота-онангизни, туғишганларингизни, дўстларингизни ташлаб кетишга қарор қилган бўлсангиз!? Опажон, кўзингизни очинг. Бу хаёллардан воз кечинг. Сиздан илтимос қиламан. Бир номард учун ўлимга ҳам тайёр эканлигингизни ёзибсиз. Кўзингизни яхшилаб очиб қаранг, бу дунё яхшиларга тўла. Сиз у дунёга эмас, бу дунёга боқинг. Шошилмасдан ўйлаб кўринг. Бу йўлдан, бу қарорингиздан қайтинг. Унинг тўйи бўладиган кун, сиз кулиб юринг. Мен юзингизда табассум кўриниб туришини хоҳлайман.

Опажон, сиздан ёшим кичкина бўлгани билан ҳаётда озми-кўпми тажриба орттираяпман. Мен оилада битта қизман. Опаси бор қизларга ҳавасим келади, опам бўлишини истардим. Сабоҳат опа, сиз билан танишиш истагим бор. Хат орқали танишиб, сирдош тутинсак, нима дейсиз?

**Синглингиз**
**Гулноз АЛЛАБЕРГАНОВА**
**Қорақалпоғистон**
**Республикаси,**
**Чимбой тумани,**
**Қирқ қиз 33.**

Сабоҳат опа, балки сизга маслаҳат беришга ҳали ёшлик қиларман. Лекин... Келинг, яхшиси сизга бошимдан ўтганини ҳикоя қилиб берай...

Ўша пайтда мен 18 ёшда эдим. Бир куни телефон орқали бир йигит билан танишиб қолдим ва у билан учрашдим. У мендан 5 ёш катта эди. У менга ёқарди. Чунки у ақлли, ҳар бир айтадиган сўзини ўйлаб гапирарди. У мен ҳақимда доим қайғурар, мен билан худди ёш боладек муомала қиларди. Чунки мен жуда эркатой ва аразчи эдим...

У менга совчи жўнатаман деса, мен рад этардим. Чунки мен уйда ўтиришдан қўрқар эдим. У менга: "Ишламайсан, уйда ўтирасан", дер эди-да... Энди эса мен ҳам сизга ўхшаб афсусланаман. Ишлаш бу ҳаётда асосийси эмас экан...

Бир куни у бошқа бир қиз билан танишиб қолганлигини ва уни севиб қолганлигини айтди. Қай аҳволга тушганимни билсангиз эди. Ўшанда у кулиб: «Сен қачон турмушга чиқасан», деб сўраган эди...

У уйланди ҳам. Кейин билсам, ҳаммасига ўзим айбдор эканман. Унинг кўнгли ҳамон менда экан. У мени жазолаш учун, кўзимни очиш учун шундай деган экан. Охирги учрашувимизда у: "Ҳаммасини ўзинг қилдинг. Мен неча бор сенга совчи жўнатаман десам, сен ҳар гал "йўқ" дер эдинг. Мен эса катта ўғилман. Сен эса буни билардинг. Тезроқ уйланишим керак эди. Мана энди менинг розилигимсиз ҳам тўй бўлди. Мени кечир", деган эди.

Буни сизга ёзишимдан мақсад, аввало ўз бахтингизни ўзингиз боғлагансиз. Бўлар иш бўлгандан сўнг: "Бизнинг уйда аза бўлади", дегангиз нимаси? Ўзини ўзи ўлдириш бу қўрқоқнинг иши, қолаверса бу Аллоҳга хуш келмайди. Ойингизни, адангизни ўйланг, сиз қутилиб кетаман деб ўйлайсизу, лекин ота-онангизни бошини эгиб кетасиз. Балки у йигит сизга лойиқ эмасдир. Мен ҳам сизга ўхшаб йўл тутмоқчи эдим, лекин ўйлаб қарасам, мен шайтон орқасидан кетаётган эканман. Бу менга сабоқ бўлдию, мен ўз иродамни синамоқчи бўлдим. Мана, орадан 3 йил ўтди... Чидадим. Мени сўраб юрганлар қанча, лекин ишонаман, бир куни менинг ҳақиқий шаҳзодам келади. Сиз ҳам ишонинг, ахир ҳамма жуфти билан яратилганку. Ёшингизга келсак, 22 ёш дегани — бу ҳали қари қиз дегани эмас. Бундай деганлар қаттиқ адашишади. Сиз ўзингизни қўлга олиб, ўша йигитга усиз ҳам яшай олишингизни кўрсатинг. Худо хоҳласа, сиз албатта бахтли бўласиз. Мен бунга ишонаман.

**Д.**
**Тошкент**

Сабоҳат опа, менинг ёшим 19 да. Насиҳатимни кўнглингизга қаттиқ олманг. Чунки сиз энг аввало ёш тўғрисида гапиргансиз. "Ёшим 22да, одамлар орасида худди мени кимдир "қари қиз" дегандек туюлади", деб. Йўқ, янглишаяпсиз. Халқимизда: "Кўзмунчоқ донаси ерда қолмайди", деган гап бор. Аллоҳ одамзотни жуфт-жуфт қилиб яратади.

Бу дунё — синов дунё. Аллоҳ бировга амал, бировга бойлик ва бир мартагина муҳаббат инъом этади, биз бандаларини синайди. Келган совчиларни қайтарибсиз, унаштирилмаган йигитга "унаштирилганман" дебсиз ва оқибатда Аллоҳнинг ғазабини келтирибсиз. Севганингиз сизни ташлаб кетганидан сўнг кўзингиз очилган. Кеч очилган кўзлар фақат бир нарсани кўзлайди — бу ёлғончи дунёдан кетишни. Лекин қаёққа?.. Нима учун?

"Унинг уйида тўй бўлса, бизнинг уйимизда аза бўлади", - дебсиз. Кимга жаҳл қилаяпсиз, ўша бевафо йигитгами?.. Сизда фақат ўша йигитга муҳаббат бор эканда. Ватанга, ота- онага, яқин инсонларингизга муҳаббат йўқми?..

Сабоҳатхон, тақдир олдида шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар бош эгар экан. Ҳозир аввалги замон эмас, ҳамма тенг ҳуқуқли. Шундай экан, ҳақ-ҳуқуқингизни билинг. Ҳеч қачон унинг олдига борманг. Бир кун севги уволи тутса, унинг ўзи сизнинг олдингизга келиб, кечирим сўрайди. Сиз ҳали бир йигитнинг севимли ёри, гулдек оиланинг бекаси ва ширииндан-шакар фарзандларнинг аяжониси бўласиз. Аллоҳдан сизга сабр-тоқат, бахт ва иқбол тилайман.

**Садоқат ЗОКИРОВА**
**Нурота тумани**

*Йигитларга нисбатан нафрат туйғуси билан тарбияландим.*



# КЕЧ БЎЛСА-ДА, БАХТ СЎРАЙМАН

Ёшим 31 да. Албатта бу ёшда барча йигит-қиз умр дея аталмиш ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, шодон ва ғамгин кунларини ўз оиласи, болалари билан баҳам кўради. Чунки бу ёшда инсон анча "пишиб" етилади. Менга эса ушбу ёшда ҳам ҳали бахт кулиб боқмаган. Олий маълумотли, ҳусн-тароватли бўлсам-да, нуфузли тарбия бериш масканида обрў-эътиборли касбда ишласам-да, ҳали турмушга чиқмаганман. Ҳамкасбларим: "Шундай ахлоқли бўла туриб, бу қиз нега турмушга чиқмайди?.." дейишади. Ҳақиқатдан ҳам нима учун, нега? Ҳанузгача ушбу саволга жавоб тополмайман.

Оиламиздаги қаттиқ тарбия, айниқса, темир интизом бунга сабаб бўлгандир, балки...

Хуллас, оиламиз ўртаҳол оилалардан бири эди. Ака-опаларим фақат аъло баҳода ўқиганлиги сабаб, мен ҳам нуқул шундай баҳода ўқиб мактабни тугатдим. Ҳаётни фақат ўқишдан иборат деб ўйлабман. Мактаб давримдаёқ ўқитувчилар назарида эдим. Ҳаётда фақат олдинда бўлиш ҳисси устун эди менда. Олийгоҳга ўқишга кирганимдан сўнг ҳам менинг асосий дўстларим - севги деб аталмиш туйғудан йироқ, фақат ўқишни ўзи учун ҳаёт шиори деб билган курсдошларим эди, холос. Опам, акамлар ота-онамиз розилиги билан турмуш қуришган. Отам менга нисбатан ҳам қаттиққўл эдилар. Мактаб давримдаям севги деган ҳиссиёт нима эканлигини билмадим. Йигитларга нисбатан нафрат туйғуси билан тарбияландим. Институтда кўзга кўринган талабалардан бири эдим. Курсдош қизлар йигитлар билан гаплашганини, учрашганини кўрсам, улардан негадир нафратланардим. "Аввал ўқишини эпласин, ундан кўра яхши ўқисин", деб ўйлардим. (Бу хаёлларим жуда пуч экан. Ўшандайлар ҳозир жуда бахтли яшашади.)

Хуллас, олийгоҳда ўқиб юрганимда бирор йигит менга гапиргудек бўлса борми, ўша куни мен учун аза эди. Буни ота-онам эшитса, мени ўлдиради, деган хаёлда юрардим. Юрак ютиб гапирган йигитларни ҳақоратли сўзлар билан уришиб ташлардим. Ҳар қандай йигитнинг гапиришини мен ўзим учун ор деб билардим. 3-курсдалигимда молиявий аҳволимиз жуда яхшиланиб кетди. Кетма-кет уч акам ички ишлар идорасида ишлашарди. Бу менда одамларни тоифага бўлиб муомала қилиш, тенг-тенги билан дўст бўлиш кибрини уйғотди. Аранг ўқийдиган, чиройли кийинмайдиган, хушсурат бўлмаган курсдошларимни унча хушламайдиган одат чиқардим. Тасаввуримча, орзуимдаги йигит ўқимишли, келишган ва албатта чиройли бўлиши керак эди.

Уйимизга келаётган совчиларни баъзан билардим, баъзан эса йўқ. Чунки ота-онам ҳам бўлғуси қудалари ўзлари каби бекаму кўст бўлишини истардилар. Бора-бора дуч келган йигитларга "йигитим бор", деб ўзимдан бездирадиган бўлдим. Менинг бундай йўл тутишим мени бир умрга бахтсиз этди. Агар шундай йўл тутмаганимда балки ҳозир чиройли оила бекаси, меҳрибон она, вафодор ёр бўлармидим.



4 - курс бошларида қалбимда севги деб аталган ҳиссиёт куртак ёзди. Севги нима эканлигини атиги шу ёшда англабман. Мендан 2 ёш катта, ўзимизнинг маҳалламиздаги Ё. исмли йигитга илк бор кўнгил даричасини очдим. Ё. жуда келишган, баланд бўйли эди, савдо соҳасида ишларди. Олий маълумотли бўлмаса-да, севиб қолдим уни. У курсдошим ва қўшним бўлмиш Зокир билан дўст эди. Ё. севги изҳор қилмаса-да, унинг менга қилаётган муомаласидан, юриш-туришидан ўзгариб қолганлигини, менга нисбатан муҳаббати борлигини сезардим. Севиш бахтига муяссар бўлсамда, лекин қизлик ғururим у билан бирор марта ҳам учрашгани қўймади.

Хонадонимизга келаётган совчиларнинг қадами узила бошлади. Чунки маҳалламиз одамлари орасида: "Эй, фалончи қизини ойга берармиш, бекорга овора бўлиб келманг, барибир қуруқ қайтасиз", деган қабилда гап қиладиган бўлишди. Бундай гаплардан сўнг Ё. ҳам менга бўлган муносабатини ўзгартирди. Кошки эди Ё. билан бир оғиз севги тўғрисида гаплашган бўлсам, фақат пинҳона севардим уни. Шу-шу севги деб аталмиш ҳиссиётим бевақт хазон бўлди. Бошқа бирор кишига яна қайта очилмади ўша хазон севгим.

Охир-оқибат йигитларга бундай бефарқлигим уларни мендан узоқлаштириб бораётганини ўз вақтида англаб етдим. Хуллас, эҳе, қанчадан-қанча соф муҳаббатли кўнгилларни оёқости қилдим, хор этдим. Ҳар доим йигитлар менга ялиниб-ёлборади, муҳаббатини ошкора айтолмаса-да, ортимдан эргашиб юраверади, деб ўйлабман, мен нокас. Қалбимдаги севги чўғини ўчирган мен гумроҳ, муҳаббат уволига қолдим. Қанча-қанча йигитлар дилини вайрон этиб, қуруқ қайтардим. Қаттиқ тарбия, қўрқув асосида қалбимда очилган севгим хазонидан сўнг ҳаётда яшашдан безий бошладим. Дугоналаримнинг бирин-кетин бўлиб ўтган тўйлари ҳам менинг ҳаётга қизиқишимни уйғотмади. Ҳаётимда фақат бир нарсага ачинаман, нега Аллоҳни кеч танидим? Унга нега эртароқ иймон келтирмадим? Аллоҳни аввалроқ билганимда одамлар орасида табақа бўлишини, ҳаммамиз яратган эгамнинг бандалари эканимизни, ким нимани хор этса, ўзи ўшанга зор бўлишини билардим балки... Афсус, энди кеч...

Ҳаш-паш дегунча 5 йил ўтиб кетди. Нуфузли тарбия масканларидан бирида ишлай бошладим. Яхши ўқиганим сабаб, тез орада ишхонамда ҳам оғизга тушдим. Янги-янги танишувларга ҳам қалбим кўчасини очмай, рад этдим. Фақат, майли севмай турмуш қурсамда, тенгим бўлсин, деган қатъий фикрим мени шу ёшгача ёлғиз яшашга маҳкум этди. Бора-бора одамлардан, тенгдош дугоналару синфдошлардан уяладиган, улардан ўзимни олиб қочадиган одат чиқардим. Қайси юз билан боқаман уларга, кибру-ҳавонинг қурбони бўлганим учунми, ёки ўзга жинс вакилларига совуққон бўлганим учунми, ўзим ҳам билмайман. Танишларим ҳаётимга жуда ачинишади. Баъзан: "Шундай қизни умри ўтиб кетаяпти-да, тенги топилса эди. Танлаб-танлаб қолиб кетди-да", деган сўзларни эшитиб қоламан, ўкиниб кетаман.

Ҳозир мен учун ягона сирдош бу - Аллоҳ. У менинг барча сирларимдан огоҳ. Ёлғизлик деб аталмиш тутқун маҳбусиман гўё. Ҳеч бир банда ёлғизликдан азоб чекмасин экан. Ҳаётда барчаси бекор, ўткинчи экан. Инсон бу қисқа фурсатда доимо барча нарсага шай турмоғи керак экан. Баъзан, ҳатто энг яқинларингнинг сўзи, овутишлари ҳам ёлғизлик дардига малҳам бўлолмас экан. Инсон ўз жуфтини топиб, умргузаронлик қилмоғи лозим экан. Мен ҳам ёлғизликдан азобдаман. Кеч бўлса-да, тинч бахт сўрайман ўзимга. Балки тенгим топилмас... Балки...

Кеч бўлса-да, барчасини англаб етдим. Аллоҳга илтижо қилиб сўрайман, баъзан: "Тақдирим жуфтмикан, ёки... Баъзан фақат яратган эгам учун яшаб юрганимни ҳис этаман. Шу билан овунаман. Ҳаётда бундан кейин бир кун ҳам ёлғиз яшашга тоқатим йўқ. Сиз не дейсиз, азиз юртдошим? Маслаҳатингизга муҳтожман. Мендан ёрдамингизни аяманг.

**СОҒИНЧ**

**Қашқадарё вилояти**

Дил изҳори

# ЯНА ЁЛҒИЗМАН...

Ёшим 36 да. Бундан 10 йил олдин бир қизни жуда севардим ва унга уйланишни истаган эдим. Вақти келиб, бу ҳақда уйимиздагиларга айтсам, "Сени тенгинг эмас", дейишди. Уйлангиси келибди, дея қиз излашга тушишди. Бир тутинган акам бор эди. Бу гап-сўздан хабар топиб, бўйи етган қайнсинглиси борлигини, жуда одобли, чиройли эканлигини айтиб, роса мақтади ва уйланишимни маслаҳат берди. Онам ҳам унга қўшилиб, ўша қизни бир кўришимни сўраб, ҳеч қўймадилар. Учрашдим ва қиз менга ёқмади. Қиз онамга ёққан эди. "Бўлди, Барно деса арзийдиган барногина қиз экан", - дедиларда тўйни бошладилар. Тўй куни об-ҳаво ҳам менинг кўнглимдек қоп-қора эди. Куни билан ёмғир ёғди.

Аламимдан роса ичдим. Чимилдиқда суйганим билан эмас, суймаганим билан ўтириш мени янада эзиб юборди. Магнитофондан Охунжон Мадалиевнинг қўшиғини тингларканман, йиғлаб юбордим. Келинчак олдимга келди. Унинг ҳамма гапдан хабари бор эди. Кўз ёшларимни артиб, илиқ сўзлар айтди, сўнг болани овутгандек бағрига босди. Севгилимни унутишга кўмаклашишини, мени жонидан ортиқ севишини айтди. Ноилож тақдирга тан бердим. Вақт ўтаверди. Барно ҳақиқатдан ҳам мени аста-секин даволади. Ростдан ҳам севган қизимни унутиб, уни сева бошладим. У ҳеч бир сўзимни икки қилмас, ҳовли, уй-жойимизни чиннидек тоза, ораста тутар, ишдан келганимда кулиб: "Яхши келдингизми?", - дея кутиб олиб, оёқ кийимимгача ўзи ечиб, керак бўлса оёқларимгача ювиб қўярди. Сўнг чой ва маззали таомлар келтириб, ейишимни кутарди. Меҳрибончиликларидан сўнг, уни жуда ҳурмат қиладиган бўлдим. Ҳар қандай эркак ҳам менинг ўрнимда шундай қилган бўларди, ахир эру хотиннинг ўзаро келишиб, шоду хуррамликда яшашларидан ҳам ортиқ бахт борми? Мен ҳам ўз бахтимни топгандек эдим. Бизнинг ширингина турмушимизга фақат биргина фарзанд етишмай қолди. Вақт ўтавергач, мен бориб шифокорга кўриндим. Барнони ҳам олиб бормоқчи бўлганимда унинг уйидагилари: "Ўзимиз кўрсатамиз", - дейишди. Лекин мен: "Хотинимни шифокорга ўзим кўрсатаман", - деб туриб олдим. Касалхонада унинг бир пайтлар бўйида бўлиб, бола олдиргани маълум бўлди. Меҳрибон хотинимнинг мени алдаганини ўзимга сингдиролмадим, беш йиллик турмушимизни ажрашиш билан якунладик.

Бир оз вақт ўтгач, уйдагилар яна мени уйлантириш тараддудига тушишди. Лекин мен хасталаниб ётиб қолдим. Тузалганимдан сўнг, яна эски гап — уйланишим масаласи пайдо бўлди. Бу сафар уларга энди ўзим топиб, ўзим уйланишимни айтдим. М. исмли ўқитувчи аёл истараси иссиқ, мулойимгина, ақл-ҳушлигина кўринди. Дарҳол уйландим. Фақат онам уйланишимга қарши бўлдилар. Ҳатто жаҳл билан: "Шу хотинга етдим деганда йиқил!", - деб қарғадилар. Бир йилу ўн саккиз кун жуда яхши яшадик. Шундан сўнг мен яна хасталаниб ётиб қолдим.

Хуллас яна узоқ даволанишимга тўғри келди. Вақт иммиллаб ўтаверди. Бу орада қийинчиликка чидай олмай, вафодор хотиним бевафо хотинга айлана бошлади. Бир пайтлари бир-бировимизни яхшигина тушунардик, энди эса тушуна олмай қолдик. Салга жанжаллашадиган бўлдик. М. ота-онасиникига кетиб қолди ва қайтиб келмади. Мен ҳам унинг изидан бормадим. Машина топиб ҳамма нарсаларини ортидан уйига олиб бориб ташладим. Уйидагилар ҳайрон бўлишиб: "Бу нима қилганингиз, балки ярашиб кетармидиларингиз", дейишди. Мен кўнмадим. Хуллас тинчгина ажралишиб кетдик.

Мана яна ёлғизман. Орзуимдагидек оилам, ширин-шакар фарзандларим бўлишини истайман. Баъзида ўйланаман. Ақли ҳушим, бўйи бастим ўзимга яраша бўлса, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ, аммо бахтли оилам йўқ. Бу менинг пешонамга битилган тақдиримми ёки хатоларим туфайли олаётган жазойимми? Азиз юртдошларим, айтинглар, ўз тақдиримни изга солишим учун нима қилай?

**КОМИЛ**

**Навоий вилояти**



Оиламиз меҳмони

# ЎТКИР ҲОШИМОВ: "ОИЛАНИ МУҚАДДАС БИЛИНГ!"

Дунёнинг ишлари ажойиб-да! Бир қанча йиллар аввал "Баҳор қайтмайди", "Қалбингга қулоқ сол" асарларини ўқиганимда, кўнглимдан шундай ўй кечганди: "Қани энди бу китобларни ёзган одам билан беш дақиқагина юзма-юз гаплашсам!.."

Доно халқимиз: "Яхши ниятга ҳам, ёмон ниятга ҳам фаришта омин дейди!", нақлини билиб айтган. Шунинг учун одам боласи ниятни яхши ва холис қилмоғи керак экан. Менинг ҳам қарийб чорак аср олдинги ўй-ниятим холис чиқди... Ўткир Ҳошимов каби эл севган, ардоқли инсонлар билан кўришиш учун ҳам журналист бўлсанг арзийди назаримда...

**- Ўткир ака, суҳбатимиз "Оила ва жамият" ҳафталиги учун бўлгач, мулоқотни оила мавзусидан бошласак. Ҳозирги кундаги ўзбек оиласини Сиз қандай тасаввур қиласиз?**

- Албатта, ҳар қандай оилада ҳам пасту баланд гаплар, етишмовчиликлар, тушунмовчиликлар бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам оилани бузмасликка интилиш керак. Тўғри, замон ўтиши билан тушунча ва қарашлар ўзгариши мумкин, бироқ ўзбек оиласида асрлар мобайнида шаклланган шундай анъаналар борки, уларни йўқотиш миллий қадриятларни йўқотишга олиб келади. Булар — садоқат, меҳр, мурувват, бир-бирини тушуниш ва албатта, андиша деган тушунчалардир. Андишасиз оилада тарбия топган одам жуда кўп нарсани йўқотади. Билмадим, балки мен хато қиларман, бироқ кейинги йилларда мана шу муқаддас тушунча сусайиб бораётгандек туюлади. Фақат оилада эмас, бошқа соҳаларда ҳам одамлар қандайдир андишасиз, ўз манфаати учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр, юзсиз кимсаларга айланиб бораётгандек туюлаяпти...

**- Оила қуриш арафасида турган йигитларга ва бўй етган қизларга ота-онанинг масъулияти, шу баробарида йигит-қизларнинг ота-онага нисбатан бурчи масаласида мулоҳазаларингиз...**

- Мамлакатимизда оила, фарзанд тарбияси, ёшларни оила қуришга тайёрлаш борасида жиддий юмушлар амалга оширилаяпти. Бу масалада талай қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари ҳам чиқди. Бинобарин, биз ёшларимизнинг бахтли оила қуришлари учун ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга халқимизнинг шундай анъаналари борки, бу соҳада ҳам уларга қатъий амал қилиш керак бўлади.

Болалигимни эслайман. Бирор қизга совчи келса, "куёв томонда жинни, нашаванд, ўғри йўқми?", деб сўрашарди. Ҳатто "қуда бўлмишнинг асл юрти қаер?", деган савол ҳам албатта ўртага қўйиларди.

Бундан кўринадики, кимдир қаердандир кўчиб келган бўлса, "она юртида бирон қилиқ кўрсатиб қочиб келмаганмикан?", деган савол кўндаланг бўлар ва бу тўғри ҳам эди. Бундан олдинги саволга келсак, ҳозир ҳам уни қўллаш мумкин ва зарур. Мен медик эмасман, лекин шуни яхши биламанки, оилада эркак киши руҳий касалликка йўлиққан бўлса, унинг ўғли ёки ўғил набирасида бу хасталикнинг такрорланиш эҳтимоли кучли бўлади. Агар аёлда шундай хасталик бўлса, қизи ёки қиз набирасида такрорланади. Яна бир қанча хасталиклар ҳам борки, улар ирсият ёки "суяк суриш" орқали аждоддан авлодга ўтади.

Бу гапни айтишдан мурод бирор беморни ранжитиш эмас. Фарзанд ҳам шу касалга йўлиқмасин, соғлом бўлсин, демоқчиман.

Кейинги йилларда келин билан куёв никоҳланиш арафасида тиббий кўрикдан ўтишлари шарт қилиб қўйилаётгани бежиз эмас.

Албатта, оила қуриш муҳаббат деган улуғ туйғу билан боғлиқ. Бу ўринда ёшларнинг хоҳиш-иродаси ота-онанинг дунёқараши билан мос келмай қолиши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам бир томонда ота-она, иккинчи томондан ёшлар бу масъулиятли остонадан ўтиши баҳамжиҳат ҳал этганлари маъқул.

**- Инсон бахтли бўлиши учун қандай яшагани маъқул: баҳор қайтмайди, дебми ёки қалбига қулоқ солибми?**

- Сиз айтаётган бу икки тушунча бирбирини инкор қилмайди. Аксинча, тўлдиради, деб ўйлайман.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза инсонга Аллоҳ томонидан берилган неъматдир. Биз бунинг учун шукрона қилишимиз ва ўша лаҳзаларни қадрлашимиз лозим.

Қалбга қулоқ солиш масаласига келсак, ўша асар («Баҳор қайтмайди» қиссаси) да мен "кимнинг кўнгли кимда бўлса, қўяверинг ўйнасин!", деган бачкана шиорларни назарда тутган эмасман. Бу асарда мустабид тузумнинг зуғуми, ҳатто бегуноҳ ёшларнинг қалбини ҳам қора косов билан титкилаш, ҳаммани "коммунистик ахлоқ ақидалари"га тиқиштириш қандай фожеаларга олиб келиши мумкинлиги тасвирланган.

**- Эллик ёшга тўлишингиз арафасида "Шарқ юлдузи" ойномасидаги хонангизда кўришгандик. Ўшанда жуда кўп мухлисларингиздан келган номаларни ўқиётган эдингиз... Яқинда олтмиш ёшга кирдингиз. Ўткир ака, муборак ёшдаги ижодкор — халқ ёзувчиси сифатида бугунги китобхонлик хусусидаги фикрингиз. Демоқчиманки, ҳозирда китоб ўқиётганлар камайиб кетмаяптими?**

- Аввало, шу ёшга етказгани учун яратганга шукроналар қиламан. Бу сафар ҳам китобхонлардан кўплаб хат ва телеграммалар олдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ — орамизда яхши кўрган санъаткорларининг концертига ўн минг сўмга патта олиб тушадиган, икки соат хуштак чалиб "маданий ҳордиқ" чиқарадиган, аммо икки минг сўмга китоб олишга кўзи қиймайдиганлар оз эмас. Бу билан санъаткор дўстларимни асло камситмоқчи эмасман.

Майли, ҳар бир одам концерт томоша қилсин, ҳордиқ чиқарсин, лекин икки минг сўмга олинган китоб икки соатга эмас, керак бўлса, йигирма йилга хизмат қилади-ку! Уни фақат ўзи эмас, фарзанд ва набиралари ҳам ўқийди-ку!

Бу билан бадиий адабиётга ихлос бутунлай камайиб кетди, дейиш ҳам адолатдан бўлмайди. Худога шукр, китобга ихлос қўйганлар ҳали ҳам оз эмас.

Нокамтарликка йўймасангиз, иккита мисол келтиришим мумкин.

Элликқалъадаги учрашувда лицей талабаси: "Тушда кечган умрлар" романидаги Рустам танки билан афғон ҳовлисига бостириб кирганида, гўдак болалакай ўлиб ётган онасининг маммасидан сут эмас қон эмиб, чирқиллаб йиғлаб юборганини тасвирлаётганда ўзингиз қандай аҳволга тушдингиз?" - деб сўради. Бундай саволни китобни синчиклаб, тушуниб ўқиган китобхонгина беради.

Яна бир мисол: Яқинда Сирдарё вилоятининг олис туманидан бир аёл келди. Чекка қишлоқлардан бирида кутубхоначи бўлиб ишлар экан. Кутубхона аъзоларидан бири — Қозоғистон билан чегарадош овулдаги одам "Икки эшик ораси" китобини олиб кетибди. Сўнг қайтариб келибди. Кутубхоначи қараса, ўша китобхон романни олиб қолиб, муқовасини бошқа китобга кийгазиб ташлаб кетган экан. Кутубхоначи шундан шикоят қилди. Мен унга кабинетимдаги ҳамма бадиий асарларни бердим ва ўша овулдаги китобхонга алоҳида ташаккур билдиришни илтимос қилдим.

**- Фарзандларингиз орасида Ўткир Ҳошимов иқтидорини такрорлай оладигани борми?**

- "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"да айтилганидек, мен фарзандларимнинг ёзувчи бўлишини бошидаёқ унча хоҳлаган эмасман. Сабаби, бунинг учун аввало Худо берган истеъдод керак. Истеъдодсиз қаламкаш эса, кўпинча ҳасадгўй бўлиб қолади. Қолаверса, ёзувчилик ғоят оғир ҳунар. Устигаустак ҳақиқатни ёзиб, ҳаммага бирдек яхши кўринавермайсиз. Шунга қарамай, қизим маълум маънода мен танлаган йўлдан бормоқда. Телевидениеда "Давр - интервью"ни олиб борадиган Юлдуз Очилова — менинг қизим.

Тошкент вилоятида бўлган ижодий кечамда ёшлар мендан кўра кўпроқ Юлдуздан дастхат олишди. Демак, унинг кўрсатувлари одамларга маъқул бўлаётган экан.

**- Ўткир ака, айни чоғда сиз мамлакат Олий Мажлисидаги нуфузли қўмита раиси ва депутатсиз. Лекин ижод кишиси ҳар қандай ҳолат ва муҳитда ҳам ижодкорлигича қолади. Янги асарларингиз ҳақида мухлисларимизни хабардор этсангиз...**

- Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида янги икки жилдлик "Сайланма"нинг биринчи жилди — "Баҳор соғинчи" китобим нашр этилди. "Ҳадикли тушлар" деган иккинчи жилд ҳам яқин кунларда китобхонлар қўлига етиб боради.

**- Анъанавий якун: "Оила ва жамият" мухлисларига дастхатли тилакларингиз.**

"Оила ва жамият"нинг
миллионлаб мухлисларига
Тилагим: оилани муқаддас
деб билинг. Оилани муқаддас
деб билмаганлар учун
муқаддас нарсанинг ўзи йўқ.

Ўткир Ҳошимов
12.04.02

**Дилмурод САЙЙИД**
**суҳбатлашди**

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 20.30

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.